

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЛАПАСОВ ОХУНЖОН АВАЗ ЎҒЛИ**

**БАЗАЛ ҲУЖАЙРАЛИ ТЕРИ САРАТОНИНИНГ ЭРТА БОСҚИЧИДА  
КЛИНИК-МОРФОЛОГИК ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ-ДИАГНОСТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология  
14.00.15 — Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Лапасов Охунжон Аваз ўғли**

Базал ҳужайрали тери саратонининг эрта босқичида клиник-морфологик ва дифференциал-диагностик хусусиятлари ..... 5

**Лапасов Охунжон Аваз ўғли**

Клинико-морфологические и дифференциально-диагностические особенности базальноклеточного рака кожи в начальной стадии..... 25

**Lapasov Okhunjon Avaz ugly**

Clinical-morphological and differential diagnostic features of basal cell skin cancer in the initial stage..... 46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 50

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЛАПАСОВ ОХУНЖОН АВАЗ ЎҒЛИ**

**БАЗАЛ ҲУЖАЙРАЛИ ТЕРИ САРАТОНИНИНГ ЭРТА БОСҚИЧИДА  
КЛИНИК-МОРФОЛОГИК ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ-ДИАГНОСТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология  
14.00.15 — Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib1832 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент Давлат стоматология институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Азизов Баходир Садиқович**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Сидиков Акмал Абдиқахарович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Вайсов Адхамжон Шавкатович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Нишанов Данияр Анарбоевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Республика ихтисослаштирилган**

**дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019. Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: +99871 - 262-33-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.Н. Хантов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фальсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда базал хужайрали тери саратони билан касалланишнинг ортиши, ушбу касалликни эрта аниқлаш ва турли оғир асоратлар билан кечиши дерматологиянинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...базал хужайрали тери саратони (БХТС, син.: базал хужайрали карцинома, БХК)-терининг ёмон сифатли ўсмалари орасида энг кўп учрайдиган тури бўлиб, кератиноцитик ўсмаларнинг 80%ини ташкил қилиб, ўртача БХТС билан ҳар 100000 аҳолига 106-980 киши касалланади ва сўнгги ўн йилликларда беморлар сонининг кескин ўсишини кузатиляпти...»<sup>1</sup>. Касалликнинг илк босқичларида клиник белгиларнинг кам намоён бўлиши сабабли ташхислаш билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келмоқда ва ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда базал хужайрали тери саратонини ривожланиши, эрта ташхислаш ва даволашга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Охирги йилларда терининг ўсма касалликлари орасида сквамоз хужайрали тери саратонига нисбатан базал хужайрали тери саратонинг учраш даражаси юқорилиги қайд этилмоқда. БХТС билан касалланганлар орасида 70 ёшдан ошган эркакларнинг устунлиги, ултрабинафша нурланишининг терига таъсир этувчи профессионал омилларига боғлиқ. Бу борада, базал хужайрали тери саратонини дастлабки босқичларда анамнестик маълумотлар тавсифи, касалликларнинг клиник кўриниши, дерматоскопик, гистологик, иммуногистохимёвий усуллардан фойдаланган ҳолда эрта ташхислаш, комплекс чора-тадбирларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...онкологик касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлашнинг самарали тизимини яратиш, онкологик касалликларни ташхислаш ва даволашнинг илғор усулларини жорий этиш, моддий-техник база ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш...»<sup>2</sup>га қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тери саратони, хусусан, базал хужайрали тери саратонини эрта аниқлашда замонавий тиббий-диагностика ва даволаш

---

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ncki.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC6502149/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сонли «онкологик касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлашнинг самарали тизимини яратиш, онкологик касалликларни ташхислаш ва даволашнинг илғор усулларини жорий этиш, моддий-техник база ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш»ги Қарори

усулларини ишлаб чиқиш ҳамда усулларини кенг қўллаш орқали турли ёмон асоратларнинг олдини олиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021-йил 27-майдаги ПҚ-5130-сон «Аҳолига гематологик ва онкологик хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199 сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 11 ноябрдаги ПҚ-6-сон «Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда БХТСга тавсиф милоддан аввалги даврларда тақдим этилганига қарамай, ҳозирги кунга қадар тери саратонини аниқ ташхислаш замонавий клиник амалиётнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, БХТСга гумон қилинган беморлар билан ишлашда фақат дерматоскопия ёки инцизион/эксцизион биопсияси билан чекланган. БХТСга шубҳа клиник жиҳатдан ўсманинг прогрессив кечишида, тўқималарнинг катта қисми патологик жараёнда иштирок этгандагина намоён бўлган ва шаклланган дерматоскопик белгилар асосида БХТСга тўғри ташхис қўйиш имкониятини оширган (Hutchinson A.S., 2005). Сўнгги йилларда тиббий генетика соҳасида катта ўсиш кузатилган ва молекуляр-генетик тадқиқот усулларини қўллаш ҳам кенг тарқалган. Шундай қилиб, бир қатор оксил молекулаларининг генетик профилини ва экспрессиясини ўрганиш туфайли БХТС фолликуляр эпителий билан катта ўхшашлик борлигини хужайраларнинг эмбрионал ривожланиш йўлини такрорлаши ўрганилган (Youssef K. K. ва бошқ., 2012). БХТС онкогенезида саратон хужайралари ўсимта ҳосил бўлганда пайдо бўлади, аммо бу даврда клиник жиҳатдан белгилар намоён бўлмаслиги устида тадқиқотлар олиб борилган (K.K. Youssef, G. Larouge, K. Bouvree ва бошқ., 2012).

МДХ давлатларида сўнгги йилларда базал хужайрали тери саратони ва бошқа эпителиал ва пигментли ўсмаларни ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган (Чупров И.Н., Сыдиқов А.А., Заславский Д.В., Насыров Р.А., 2021). Беморни текширишнинг иммуногистокимёвий ва генетик усуллари ривожланган бўлиб, касалликнинг пайдо бўлишида

неопластик жараёни дифференциал ташхислаш масалалари кенг тадбиқ этилган (Кирпичёва Л, ва бошқ., 2017).

Мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотлар асосида базал ҳужайрали тери саратонини ўз вақтида эрта ташхислаш, клиник ва патофизиологик жиҳатлари эпидемиологияси ва унинг ташхисида дерматоскопиянинг роли тасдиқланган (Солметова М.Н., 2023).

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар БҲСТ бўйича кўплаб тадқиқотлар мавжудлигига қарамай базал тери саратони касалликларини эрта аниқлаш масаласи мураккаблигича қолмоқда. Касаллик асосан аҳолининг меҳнатга лаёқатли шахсларда кўп учраши, касалликнинг дастлабки босқичида ташхислашнинг мураккаблиги ва самарали даволаш усуллари ишлаб чиқилмаганлиги дерматовенерологиянинг ва дерматоонкопатоологиянинг энг муҳим муаммоси бўлиб қолмоқда. Базал ҳужайрали тери саратонининг патогенезини клиник, дерматоскопик, патоморфологик ва иммуногистохимёвий нуқтаи назардан ёритиб бериш, янги диагностик усуллари ишлаб чиқиш зарурати мавжуд, бу эса ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг №011900257 «Атроф-муҳит омилларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда асосий стоматология ва бошқа касалликларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» (2020-2024) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** базал ҳужайрали тери саратонининг клиник, дерматоскопик, патогистологик ва иммуногистохимёвий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эрта диагностик мезонларни ишлаб чиқиш ва оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

базал ҳужайрали тери саратонининг дастлабки босқичида клиник ва патогистологик кўринишларини баҳолаш;

базал ҳужайрали тери саратонининг дастлабки босқичида дерматоскопик турли белгиларини аниқлаш ;

криодеструкция ва дерматоскопия ёрдамида базал ҳужайрали тери саратонини эрта ташхислаш усулини ишлаб чиқиш;

БҲТС ташхисини тасдиқлашда Hif-1 ва Podoplanin иммуногистохимёвий маркерларининг аҳамиятини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика тери-таносил касалликлари клиник шифохонаси ва Санкт-Петербург педиатрия тиббиёт университети клиникасида базал ҳужайрали тери саратонига шубҳа қилинган 80 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморларнинг тери биоптати материаллари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, дерматоскопик, патогистологик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

БХТСнинг дастлабки босқичида эрта ташхисни тасдиқлашда патогистологик: ўсимта периферияси бўйлаб базал кератиноцитлар “палисад”и 88,75% (71/80) ва ўсимта ретракция феномени мавжудлиги дифференциал диагностик белгилари исботланган.

базал хужайрали тери саратони билан оғриган беморларда эпидермис ва ўсма тузилмаларида Hif-1 маркерининг аниқ мусбат натижа билан ифодаланиши, ясси хужайрали тери саратонида ва актиник кератоз ташхисли беморларда манфий ифодаланиши, podoplanin маркерларининг эса аниқ неоплазма учун ўзига хос белгига эга эмаслиги, аммо ўсманинг инвазион шаклида касалликнинг салбий динамикасини кўрсаткичлари дифференциал диагностик мезонлар сифатида баҳоланиши исботланган.

базал хужайрали тери саратонида гистологик ва дерматоскопик текширувлар орқали ўсимта периферияси бўйлаб аниқланган базал кератиноцитлар “палисад”и, ўсимта ретракция феномени, шаффоф/марварид папулалар белгилари ёрдамида базал хужайрали тери саратонига ўхшаш ўсма касалликлари ва бир қатор дерматозлар билан оғриган беморларни қиёсий баҳолаш чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дастлабки босқичда БХТСни аниқлаш учун оддий ва ишончли тест ишлаб чиқилган бўлиб, у ўсимтани суюқ азот билан тўйинтиришдан олдин ва кейин, кетма-кет дерматоскопик текширув усули асосланган;

тадқиқот натижасида олинган маълумотларни ҳисобга олиб, БХТСни бошқа тери саратони касалликлари билан, бир қатор дерматозлар билан ҳам дифференциал-диагностик чораларини ўтказишга асосланган;

беморни бирламчи даволаш ва терапевтик тадбирларни ўтказиш ўртасидаги вақтни қисқартириш, қўшни органлар ва тўқималарга периферик ўсишга мойил бўлган ўсимта тузилмаларини нурлантириш пайтида тўқималарнинг шикастланиш ҳажмини камайтиришга имкон бериши асосланган;

шифокор амалиётига янги диагностика тестининг киритилиши БХТСга шубҳа қилинган тақдирда ташхисни текшириш муддатларининг қисқаришига олиб келган, ўсимтани жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш зарурати йўқлиги сабабли беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаши, даволаниш вақтини қисқартириши, даволаш ва диагностика манипуляцияси ҳажмини камайтириши ва терапия доирасидаги ҳаражатлар, шунингдек қайталаниш хавфини камайтириши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида

ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги асосланган, чиқарилган хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти клиник, дерматоскопик, гистологик ва гистокимёвий маълумотларни баҳолаш ва таққослаш орқали ўсимта шаклланиши даврида патологик ўзгаришларнинг онкогенези ва динамикаси умумий таҳлилни касалликнинг дастлабки босқичида аниқ ташхислаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти клиник, дерматоскопик, гистопатологик, гистокимёвий тадқиқотлар натижалари БҲТСга эрта ташхислаш таснифини ишлаб чиқиш ва касалликнинг диагностик мезони сифатида фойдаланиш, ишлаб чиқилган “янги диагностик тест”ни қўллаш базал хужайрали тери саратонини дастлабки босқичларида аниқ ва осон аниқлаш имконини яратди ҳамда ушбу усул ташхиснинг аниқлигини оширганлиги, даволаш тактикасини белгилашда устувор йўналишларни аниқлаш ва асоратланиш олдини олганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тошкент давлат стоматология институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 20 августдаги 12-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент давлат стоматология институтининг 2023 йил 08 октябрдаги №03-1483- сон хати юборилган).

*биринчи илмий янгилик* БҲТСнинг дастлабки босқичида эрта ташхисни тасдиқлашда патогистологик: ўсимта периферияси бўйлаб базал кератиноцитлар “палисад”и 88,75% (71/80) ва ўсимта ретракция феномени мавжудлиги дифференциал диагностик белгилари исботланган бўлиб, Республика Тери-таносил касалликлари клиник шифохонаси 2022 йил 29 августдаги №38-П-сонли буйруғи ҳамда Республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалининг 2022 йил 13 сентябрдаги №53-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: дастлабки босқичда янги клиник-морфологик, дифференциал белгиларнинг жорий қилиниши, беморнинг дастлабки ташрифи ва терапевтик чора-тадбирларни амалга ошириш ўртасидаги вақтни камайтиради, касалликни хавфли босқичга ўтиши, ривожланиши мумкин бўлган оғир асоратларни олдини олади, даволаш давомийлигини қисқартиради, беморнинг ҳаёт сифатини яхшилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: базал хужайрали тери саратонининг эрта даврларидаги эритематоз-доғли шаклида, криоген таъсир қилиш натижасида, дерматоскоп ёрдамида эрта клиник-морфологик, дифференциал ташхислаш ҳамда мақсадли давони эрта бошлаш имконини берган, клиникада гистологик ва лаборатор диагностика қилиш учун 80 нафар бемор ҳисобидан 36 240 000 сўм харажатларни иқтисод қилишга

эришилган. **Хулоса:** базал хужайрали тери саратонини дастлабки босқичда янги диагностика усулларидан фойдаланиш орқали клиник-морфологик белгилар аниқланган ва 1 нафар бемор ҳисобидан 453 000 сўм маблағларни иқтисод қилиш имконини берган.

*иккинчи илмий янгилик* базал хужайрали тери саратони билан оғриган беморларда эпидермис ва ўсма тузилмаларида Hif-1 маркерининг аниқ мусбат натижа билан ифодаланиши, ясси хужайрали тери саратонида ва активик кератоз ташхисли беморларда манфий ифодаланиши, podoplanin маркерларининг эса аниқ неоплазма учун ўзига хос белгига эга эмаслиги, аммо ўсманинг инвазион шаклида касалликнинг салбий динамикасини кўрсаткичлари дифференциал диагностик мезонлар сифатида баҳоланиши исботланган бўлиб, Республика Тери-таносил клиник шифохонаси 2022 йил 29 августдаги №38-П-сонли буйруғи ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалининг 2022 йил 13 сентябрдаги №53-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган.

**Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: иммуногистокимёвий кўрсаткичлар ёрдамида Hif-1 ва podoplanin маркерларини қўллаш, гистологик тўғри ташхисланмаган беморларда, базал хужайрали тери саратонини ривожланиш даражасини эрта босқичда аниқлаш имконини беради, бу эса ишга лойиқатсизликни камайтиради, жамоада ижтимоий алоқаларнинг тикланиши, беморнинг руҳий ҳолатига таъсири ва оғир асоратларнинг келиб чиқишини бартараф этилиши орқали ижтимоий ҳаёт сифатини яхшилаш имконини яратади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: гистологик ва умумклиник текширувлардан сўнг айрим беморларда ташхис тўғри қўйилмаслиги натижасида, қайта текширув ва назорат учун 2 ой давомида бемор 4 маротаба шифокор қабулида бўлиши, текширувлардан қайта ўтиши харажати 2 400 000 сўмни ташкил қилган, қўлланилган иммуногистокимёвий текширувларда харажатлар 1 765 000 сўмгача камайтирилган, 33 нафар бемор учун 20 955 000 сўм харажатларни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** дастлабки босқичда базал хужайрали тери саратонини эрта ташхислаш учун иммуногистокимёвий маркерларни аниқлаш 1 бемор ҳисобидан 635 000 сўм маблағларни иқтисод қилиш имконини берган.

*учинчи илмий янгилик* дастлабки босқичда базал хужайрали тери саратонини аниқлаш учун ишлаб чиқилган янги диагностик тестни қўллаш, ўсимта юзасига криомуолажа амалиёти бажарилишидан олдин ва кейин дерматоскопик текширувни ўтказиш орқали ўсимта периферияси бўйлаб шаффоф/марварид папулалар шаклланганлиги аниқланган ва тестнинг ўзига хослиги мос равишда ижобий натижаси 88,89%ни ташкил этиши исботланган бўлиб, Республика тери-таносил касалликлари клиник шифохонаси 2022 йил 29 августдаги №38-П-сонли буйруғи ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалининг 2022 йил 13 сентябрдаги №53-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги**

қуйидагилардан иборат: базал ҳужайрали тери саратонига ташхис қўйишда қўлланилган янги усул касалликнинг дастлабки босқичларида эрта ташлайди, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайти, касаллик кечишининг давомийлигини қисқартиради, асоратларни келиб чиқишини олдини олади ва даволаш самарадорлигини оширади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: гистологик ва умумклиник текширувлар, қайта текширувлар ўтказиш зарурати сабабли беморни 4 маротабагача шифокор қабулида бўлишини талаб қилган ва 2 400 000 сўм маблағни ташкил этган, тавсия қилинган янги криоген таъсир орқали дерматоскопик диагностика усулидан фойдаланиш ушбу харажатни 2 048 500 сўмгача камайтирган, 80 нафар бемор ҳисобидан 28 120 000 сўм харажатларни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** базал ҳужайрали тери саратонини эрта ташхислаш мақсадида ишлаб чиқилган янги қулай ва оддий диагностик тест касалликнинг дастлабки эритематоз шаклида 1 нафар бемор ҳисобидан 351 500 сўм маблағларни иқтисод қилиш имконини берган.

**тўртинчи илмий янгилик** базал ҳужайрали тери саратонида гистологик ва дерматоскопик текширувлар орқали ўсимта периферияси бўйлаб аниқланган базал кератиноцитлар “палисад”и, ўсимта ретракция феномени, шаффоф/марварид папулалар белгилари ёрдамида базал ҳужайрали тери саратонига ўхшаш ўсма касалликлари ва бир қатор дерматозлар билан оғриган беморларни қиёсий баҳолаш чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган бўлиб, Республика Тери-таносил касалликлари клиник шифохонаси 2022 йил 29 августдаги №38-П-сонли буйруғи ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалининг 2022 йил 13 сентябрдаги №53-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ўхшаш неоплазмалар ва турли дерматозлар билан базал ҳужайрали тери саратонининг дастлабки эритематоз доғ шаклида касалликнинг дифференциал-диагностик белгилари тери саратони касалликларини тўғри ҳамда эрта аниқлаш имконини беради, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайти. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: базал ҳужайрали тери саратонини бошқа неоплазмалар ва ўхшаш дерматозлар билан қиёсий таққослашда гистологик ва умумклиник текширувлар, қайта текширувлар ўтказиш зарурати сабабли беморни 4 маротабагача шифокор қабулида бўлишини талаб қилган ва 2 400 000 сўм маблағни ташкил этган, тавсия қилинган янги иммуногистокимёвий ва криоген таъсир орқали дерматоскопик диагностика усулидан фойдаланиш ушбу харажатни 2 048 500 сўмгача камайтирган, 80 нафар бемор ҳисобидан 28 120 000 сўм харажатларни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** дифференциал-диагностик белгилар ишлаб чиқилиши тери саратонининг аниқ клиник белгилар номоён бўлмаган дастлабки босқичида эрта ташхислаш имконини бериб, 1 нафар бемор ҳисобидан 351 500 сўм маблағларни иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзусида 12 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 2 та республика, 4 та хорижий журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Базал ҳужайрали тери саратони муаммосининг замонавий ҳолати**», номли биринчи бобида базал ҳужайрали тери саратони, унинг этиопатогенези, диагностикаси, клиник шакллари ва даволаш эволюцияси бўйича замонавий маълумотлар, шунингдек базал ҳужайрали тери саратонининг клиник, дерматоскопик хусусиятлари, генетик профил, гистопатология ва иммуногистохимёвий маркерларнинг аҳамиятига бағишланган замонавий илмий тадқиқотлар таҳлил қилинади.

Диссертациянинг «**Клиник материаллар ва текшириш усуллариининг умумий характери**» деб номланган иккинчи бобида материаллар ва тадқиқот усуллари тасвирланган. Тадқиқот Республика тери-таносил клиник шифохонаси ва Санкт-Петербург педиатрия тиббиёт университети клиникасига мурожат қилган беморларни клиник, инструментал ва лаборатория текширувига асосланган. 2020 йилдан 2022 йилгача 39 ёшдан 87 ёшгача бўлган 80 бемор (49 эркак ва 31 аёл) текширилиб, тадқиқотга киритилди. Инклюзия мезони (уларнинг нотекис шаклли, аниқ чегарали ва юқори қисмида мумкин бўлган майда қипикланиш билан эритематоз пушти доғнинг мавжудлиги) клиник белги бўлиб хисобланади. Дастлабки босқичда барча беморларга анамнез, объектив текширув, дерматоскопия, шунингдек зарарланиш ўчоғидан терининг диагностик биопсияси ўтказилди. Тадқиқотнинг кейинги босқичи БХТСнинг янги диагностика алгоритмини дастлабки босқичда шакллантириш, яъни янги диагностика тестини ишлаб чиқиш ва диагностик аҳамиятга эга бўлган ИГХ маркерларини аниқлаш эди.

Анамнез, объектив кўрик ва дерматоскопик текширув асосида барча беморлар тўрт гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга «базал ҳужайрали тери саратони» клиник ташхиси қўйилган 35 бемор, иккинчи гуруҳ - ясси ҳужайрали тери саратони билан касалланган 20 бемор, учинчи гуруҳ — актиник кератоз билан касалланган 16 бемор киритилди. Тасдиқланмаган ташхис қўйилган тўртинчи гуруҳга 9 бемор киритилди. Кейинги босқич Шапиро-Уилк мезони бўйича гуруҳларни ёшга қараб тақсимлашнинг нормаллигини текшириш ўтказилди.

#### 1-жадвал

### Барча гуруҳлардаги иштирокчилар ёшга ва жинсга қараб тақсимланиши

Характеристика	БХТС (n = 35)	ЯХТС (n = 20)	Актиник кератоз (n = 16)	Тасдиқланмаган ташхис (n = 9)
Беморлар ўртача ёши,	48–87 (65,87)	48–78 (61,55)	39–70 (56,5)	48–67 (58,4)
Жинс:				
– эркак	21	10	10	6
– аёл	14	10	6	3

Ўсмани клиник ва дерматоскопик баҳолаш HEINE DELTA 20t Dermatoskop Dermlite DL3N (Heine Optotechnil GmbH& Co.KG, Germaniya) va DermLite Foto II Pro 10x оптик катталаштириш (Samsung Electronics Co., Ltd., Yeongtong-Gu. Suvon-Shi, Janubiy Koreya) ёрдамида амалга оширилди. Барча беморларда криотерапия амалиёти ўтказилди. Амалиётдан 12 соат ўтгач, клиник ва дерматоскопик белгиларни дастлабки белгиларга нисбатан динамик баҳолаш амалга оширилди, сўнг амалиёт билан боғлиқ гистологик ўзгаришларни аниқлаш ва ташхисни тасдиқлаш учун ўсма кесиб олинди. Шаффоф ёки марваридсимон тугунчалар ҳосил бўлганда, тест мусбат деб қабул қилинди. Терининг биопсияси ва гистологик текшируви тадқиқотнинг барча иштирокчиларида ўтказилди. Манипуляциялар стандарт усулда амалга оширилди. Тайёрланган кесмалар гематоксилин-эозин билан бўялди. Баҳоланиши керак бўлган асосий мезонлар эпидермисдаги ўзгаришлар (кератиноцитларнинг атипияси даражаси), шунингдек ўсимта ҳужайраларининг «уялари» мавжудлиги, ўсимта тарқалиш тури ва даражаси, резексия қирраси ва яллиғланиш инфилтратидан иборат.

Иммуногистокимёвий тадқиқот 2020-йилдан 2022-йилгача бўлган даврда ўтказилди. Бунинг учун «базал ҳужайрали тери саратони» (n = 18), «ясси ҳужайрали тери саратони» (n = 9) ва «актиник кератоз» (n=6) ташхиси қўйилган 33 нафар беморнинг биологик материаллари (парафин блоклари) ишлатилди. Парафин блоклардан гистологик кесмаларни тайёрлаш микротомда амалга оширилди (MICROMHM-325-2, Germaniya). Hif-1 va podoplanin маркерларининг экспрессияси, эпидермисда ва дермада турли хил ҳужайра тузилмаларида ва интерстицийда жигарранг гранулалар рангининг миқдори ва интенсивлигини сифатни аниқлаш билан баҳоланди. Бўяш усулини назорат учун манфий синов ўтказилди, кесмалар бирламчи антитаналардан фойдаланмасдан бўялди. Hif-1 va podoplanin маркерларининг

яққоллигини баҳолаш, Х400 марта катталаштириш билан 4 та кўриш майдонида ярим микдорий усулда амалга оширилди (рангли хужайралар сонини ҳисоблаш амалга оширилди).

Олинган натижаларни статистик таҳлил қилиш вариацион статистика усули томонидан амалга оширилди, Shapiro - Uilk мезонидан фойдаланган ҳолда SPSS Statistics 21.0 дастури, Mann-Uitni u - мезонидан фойдаланилди. Корреляцияни баҳолаш Спирмен коэффиценти ёрдамида амалга оширилди.  $p < 0.05$  нинг қийматлари статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланди. Маълумотлар медиан шаклида минимал ва максимал («медиан (минимал–максимал)»), ўртача  $\pm$  ўртача хато кўрсатилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Шахсий тадқиқотлар натижалари»** ўз тадқиқотларини таҳлил қилди. Тадқиқотда иштирок этган барча беморлар ўхшаш клиник кўринишга эга бўлиб: юз ёки қўлларнинг терисида аниқ чегарали эритематоз пушти доғлар/пилакчалар билан ифодаланади. Элементлар юзасида енгил қипиқланиш аниқланади. Барча беморларда зарарланиш марказида субъектив белгилар (қичишиш/қизиш/оғриқ) каби шикоятлар кузатилмади. Обектив текширув, анамнез ва дерматоскопик текширув пайтида олинган маълумотларга асосланиб, беморларга клиник ташхис қўйилди, текширув натижалари, дерматоскопия, гистологик текширув ва ўтказилган терапия натижалари бўйича умумий таҳлилдан сўнг — 88,75% (n = 71) ни ташкил қилди. Хусусан, базал хужайрали тери саратони 43,75% ҳолларда (35/80), «ясси хужайрали тери саратони» 25% ҳолларда (20/80), «актиник кератоз» 20% (16/80) ташхисли беморлар аниқланди.

Биринчи гуруҳга 35 бемор кирди (21 эркак ва 14 аёл, 48 ёшдан 87 ёшгача, ўртача ёши 65,87 ёш). Ушбу гуруҳдаги беморларнинг клиник кўринишлари диаметри 2 см (35/35, 100%) гача бўлган аниқ чегарали эритематоз пушти доғлар мавжудлиги билан ажралиб туради. Беморларнинг 16 (46%) элементлари юзасида қипиқланиш қайд этилди. Беморларнинг 17 (48,5%) да элементлар юз терисида (68,6%), 6 да — қўлларнинг орқа юзасида (17,14%), 12 беморда неоплазма тери юзасида жойлашган (34,3%). 27 бемор (77%) неоплазма пайдо бўлганидан кейин 1 ой ичида қайта кўрилди, қолган 23% ўртача 2 ойдан кейин мурожат қилиб келди, 4 бемор (11,4%) ирсий анамнезга эга эди. 35 беморнинг 10 тасида (28,6%) элементларнинг катталашганлигини қайд этилди. 1 нафар бемор илгари базал хужайрали тери саратони бўйича текширувдан ўтган ва даволанган, жарроҳлик амалиётига учраган бирламчи неоплазма жойида ўсманинг қайталаниши содир бўлган. Биринчи гуруҳдаги 14 беморда (40%) анамнезда куйиш белгилари аниқланган.

Иккинчи гуруҳга 20 бемор (48 ёшдан 78 ёшгача бўлган 10 аёл ва 10 эркак, ўртача ёши 61,55 ёш) киритилди. Ушбу гуруҳдаги беморларда тошма ҳолатларининг 100% (20/20) аниқ чегаралари ва турли шаклларда бўлган эритематоз пушти доғлар билан ифодаланади. Шунинг таъкидлаш керакки,

элемент юзасида биринчи гуруҳдаги беморларга қараганда 16 киши (16/20, 80%) кўпроқ интенсив қипиқланиш қайд этилди.

Аксарият ҳолларда тошмалар юз терисида, хусусан, чакка ва пешона соҳаларида жойлашган (17/20, 85%), 20 та бемордан 3 тасида неоплазма қўлларнинг орқа юзасида жойлашган (15%). Иккинчи гуруҳдаги 1 беморда (5%) ирсий анамнез қайд этилди. Дастлабки текширув вақтида тўртта бемор (4/20, 20%) элементнинг периферия бўйлаб секин ўсганлигини қайд этди. Иккинчи гуруҳдаги 1 бемор илгари сут безининг ирсий бўлмаган саратонига чалинган, шу сабабли у жарроҳлик ва кимётерапия муолажаларини олган ва ҳозирда мунтазам текширувдан ўтказилиб, онколог томонидан рўйхатга олинган. Шунингдек, 7 беморда (7/20, 35%) қуёшдан куйиш анамнези борлиги ва узоқ муддатли инсоляцияга учраганлиги маълум.

Учинчи гуруҳга 16 беморларни (39 ёшдан 70 ёшгача бўлган 6 аёл ва 10 эркак, ўртача ёши 56,5 ёш) ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги барча беморларда тошмалар эритематоз қизил/пушти доғлар билан ифодаланди, улар юзасида кучли қипиқланиш ва гетероген рангга эга. 1- ва 2-гуруҳлар билан таққослаганда, учинчи гуруҳдаги беморларда 100% ҳолларда қипиқланиш қузатилди (16/16). 3 - гуруҳ иштирокчиларининг ҳеч бири зарарланиш ўчоғи ичидаги субектив шикоятлари қайд этилмади (0/16, 0%). Ушбу гуруҳнинг барча иштирокчиларида тошмалар юз териси соҳасида жойлашган (16/16, 100%). Учаси элементларнинг аста-секин ўсиб боришини уларнинг катталашини шаклида қайд этди (3/16, 18,8%).

Тўртинчи гуруҳ тасдиқланмаган клиник ташхис қўйилган беморларни ташкил этиб, 48 ёшдан 67 ёшгача бўлган 6 эркак ва 3 аёлдан иборат бўлиб, ўртача ёши 58,4 ёшни ташкил этди. Гуруҳнинг барча иштирокчиларида тошмалар чекланган характерга эга бўлиб, аниқ чегарали ва турли шаклларга эга бўлган пушти/қизил эритематоз доғлар билан ифодаланди. Элемент юзасида қипиқланиш 3 та беморда (33%) қайд этилди. 7 та беморда (77,8%) элемент юз терисида, 1 тасида чап қўл терисида (11%) ва 1 та орқа соҳада (11%) жойлашганлиги аниқланди. Икки бемор (2/9, 22%) ирсий анамнез аниқланган. 4-гуруҳ аъзоларининг ҳеч бири субектив шикоят қилмади. Битта бемор (11%) клиникага дастлабки ташрифдан олдин тошманинг ўсишини қайд этди.

Дастлабки босқичда тадқиқотнинг барча иштирокчиларига зарарланиш ўчоғида дерматоскопия текшируви ўтказилди. Тадқиқотда иштирок этган барча беморларда зарарланиш ўчоқларининг эритематоз фонидида қайд этилди.

Биринчи гуруҳ аъзолари орасида энг кўп учрайдиган белги шохланган (дарахтга ўхшаш) томирлар бўлиб, улар 24/35 беморда (68,6%) қайд этилди. Ушбу хусусият неоплазманинг томирлар нақшини тавсифлайди. Эритематоз фонда, шунингдек, бир қатор ҳолатларда (8/35, 22,9%) ёрқин қизил ва оқ тузилмасиз жойлар қайд этилди. Узоқ муддатли базалиомаларга хос бўлган телангиоэктазия 35 ҳолатдан 3 тасида (8,6%) қайд этилди. Қисқа оқ чизиклар ҳам тез-тез қузатилган — 35 тадан 14 та ҳолатда (40%). Юзаки оқ /сарик қипиқлар 16 беморда (45,7%) аниқланган. Бир беморда баргсимон соҳалар топилган (2,9%). 1 нафар беморда (2,9%) пигмент тузилмалар аниқланиб улар

кўк-кулранг глобулалар ва нуқталар, ҳамда кўк-кулранг ўчоқларни ташкил этди.

Иккинчи гуруҳдаги барча беморларда биринчи навбатда зарарланиш ўчоғларнинг эритематоз фонида (20/20, 100%) қайд этилди. Ушбу гуруҳдаги беморлар учун алоҳида дерматоскопик «кулупнай нақши» белгиси хос бўлиб, 18/20 беморда (90%) кузатилди. Шуниси э’тиборга лойиқки, уларнинг барчаси истисносиз юзаки оқ/сарик қипиқлар (20/20, 100%) ҳолатда кузатилди. Кўпгина беморларда консентрик тузилмалар (15/20, 75%), ялтироқ қизил ва оқ структурасиз соҳалар (11/20, 55%) қайд этилди. 20 кишидан 8 нафарда қисқа оқ чизиклар (40%), учтасида шохланган сўрғичлар (15%) ва соч фолликуласини ўраб турган томирлар кўринади. Гиперкератотик соч фолликулалари учта беморда (3/20, 15%) топилди, 6/20 гиперкератоз/аморф кератин билан касалланган. Ўсманинг яраланиши 4/20 беморда (20%), 1 беморда бир нечта кичик эрозия (5%) топилди.

Учинчи гуруҳ беморлари орасида, шунингдек, зарарланиш ўчоғларнинг эритематоз фони ва «кулупнай нақши» асосий белгилари бўлган, кейинчалик гуруҳнинг барча иштирокчиларида топилган (16/16, 100%). 2 та беморда структурасиз қизил-оқ жойлар қайд этилди (2/16, 12,5%). Гуруҳ аъзоларининг кўпчилигида гиперкератоз юзаки оқ/сарик қипиқлар (13/16, 81,25%), гиперкератоз/аморф кератин (10/16, 62,5%), гиперкератотик фолликулалар (8/16, 50%) белгилар аниқланди. 4 беморда қисқа оқ чизиклар (4/16, 25%), биттасида (1/16, 6,25%) бир нечта майда эрозия, биттасида ўсманинг яраланиши (1/16, 6,26%) қайд этилди.

Тўртинчи гуруҳ беморлари зарарланиш ўчоқларининг эритематоз фонида эди (9/9, 100%). 5 нафар беморда қисқа оқ чизиклар (56%), 4 та қизил-оқ ялтироқ тузилмасиз соҳалар, 2 та баргсимон соҳалар (22%), 1 нафар беморда консентрик тузилмалар (11%) қайд этилди. Шохланган томирлар учта беморда (3/9, 33%), телангиектазиялар — 1 нафар беморда (1/9, 11%) ва соч фолликуласини ўраб турган томирлар — 3 нафар беморда (3/9, 33%) аниқланди. Пигмент элементлари орасида кулранг-кўк ўчоқлар 2 нафар беморда (22%), нуқтасимонлар пигментланишлар — 3 нафар беморда (33%), бир нечта кулранг-кўк глобулалар — 2 нафар беморларда (22%) топилди. Гиперкератоз 2 нафар беморда (2/9, 22%), юзаки оқ ва сарик қипиқлар — 4 нафар беморда (44%) кузатилди.

Базал хужайрали тери саратонини аниқлаш учун янги диагностик тест натижалари: Тадқиқот БХТС ни аниқлаш учун янги диагностика тестидан фойдаланган ҳолда истиқболли тарзда ўтказилди. Унда «базал хужайрали тери саратони» клиник ташхиси қўйилган биринчи гуруҳдаги 18 нафар бемор (10 эркак ва 8 аёл, ўртача ёши 63,5 ёш), иккинчи гуруҳдаги «ясси хужайрали тери саратони» ташхиси қўйилган 9 нафар бемор (6 эркак ва 3 аёл, ўртача ёши 61,9 ёш) ва учинчи гуруҳдаги «актиник кератоз» клиник ташхиси қўйилган 6 нафар бемор (3 эркак ва 3 аёл, ўртача ёши 59,6 ёш) иштирок этди.

Дерматоскопия орқали тўқималарнинг ўзгаришини баҳолашда, зарарланиш ўчоғини суяқ азот билан тўйинтиришдан 12-24 соат ўтгач,

биринчи гуруҳнинг 16/18 беморларида (89%) зарарланиш ўчоғининг периферияси бўйлаб шаффоф/марваридсимон папулаларининг шаклланиши содир бўлди. Бундан ташқари, 11 нафар беморда (11/16, 68,75%) марварид папулалари, 5 тасида шаффоф папулалар (7/18, 31,25%) шаклланганлиги аниқланди. Иккинчи гуруҳда 9 нафар бемордан 7 нафарида (78%) салбий натижа, 2 нафарида эса носпесифик натижа қайд этилган (22%). Учинчи гуруҳ беморлари салбий натижа кўрсатди (6/6, 100%).

Шундай қилиб, тестнинг ўзига ҳослиги 88,24%, сезувчанлик - 88,89%, ижобий башорат қилишда аҳамияти- 88,89%, салбий башорат қилишда аҳамияти - 78,94% ларни ташкил этди. Олинган маълумотларга асосланиб, тест ҳақиқий ва амалда қўлланилиши мумкин деб ҳисобланди.

Синовдан сўнг натижаларни назорат қилиш учун барча текширилувчиларда зарарланиш ўчоғида тери биопсияси ўтказилди. Тестни ишлаш механизмини гистологик асослаш доирасида унинг моҳиятида ўсма ретраксияси феномени ётганлиги аниқланди. Ўсмани суяқ азот билан 12-24 соат давомида тўйинтириш натижасида носпесифик яллиғланиш реакцияси ҳосил бўлди, бунинг натижасида стромал шиш пайдо бўлди. Строма ва ўсимта уялари тўқималарининг зичлигидаги фарқ фониди, ўсимта тўқимаси юқорига силжийди ва базалоид уялар ва строма ўртасида бўшлиқ ҳосил бўлади, бу дерматоскопик равишда шаффоф/марварид кўринишидаги папулаларининг шаклланишига тўғри келади.

Гистологик текширув натижалари. Барча 80 беморларда истиқболли тадқиқотни лойиҳалашда гистопатологик текширув ўтказилди. Гистологик препаратларни таҳлил қилиш жараёнида изоляция қилинган («кўр») патоморфологик тадқиқот ўтказилди, унинг натижаларига кўра 88,75% ҳолларда (71/80) ташхисни тўғри эканлиги тасдиқланди. Хусусан, 43,75% ҳолларда (35/80) «базал хужайрали тери саратони», 25% ҳолларда «ясси хужайрали тери саратони» (20/80), 20% (16 /80) ҳолларда «актиник кератоз» ташхис аниқланди. 9 нафар беморда патоморфолог томонидан қўйилган ташхис якуний ташхисга тўғри келмади. Беморларнинг учта асосий гуруҳи аниқланди: базал хужайрали тери саратони, ясси хужайрали тери саратони ва актиник кератоз.

Биринчи гуруҳдаги барча беморларда БХТС учун патогномоник базал кератиноцитларнинг «палисади» (35/35, 100%) ва кўпчиликда ўсма ретраксия феномени аниқланди (32/35, 91,4%). Бир ҳолатда беморда хужайрали атипия/полиморфизм (1/35, 2,9%), апоптотик хужайралар (5/25, 14,3%) ва митозлар (8/35, 22,9%) ҳам камдан кам ҳолларда ажратилган. Кўпгина беморларда дерма сўрғичлари билан чегараланган (29/35, 82,9%) ва ретикуляр дермага инвазия 6 кишида (6/35, 19,4%) кузатилган. Бир беморда меланоцитлар (1/35, 2,9%) борлиги қайд қилинган. Гиперкератоз текширилганларнинг ярмида аниқланган (16/35, 45,7%). БХТСга хос бўлган яна бир симптом - дерма юзаки қатламларининг ўсма неоваскуляризацияси - 31 ҳолатда (31/35, 88,6%) аниқланди. Барча беморларда ўсимта паренхимасининг стромага нисбати  $> 1$  (35/35, 100%), дерманинг стромал фибрози эса 8 та ҳолатда (8/35, 22,8%) қайд этилди. Кўпгина беморларда

яллиғланиш инфилтрати лимфоцитлар (30/35, 85,7%), гистоцитлар (30/35, 85,7%) билан ифодаланган, бир ҳолатда меланофаглар (1/35, 2,9%) қайд этилган. Гуруҳнинг 29 иштирокчисидә ўсимта қалинлиги 1 мм дан кам (29/35, 82,6%), 6 нафаридә - 2 мм гачә (6/35, 19,4%), 6 бемордә ҳам инфилтратив ўсиш кузатилди (6). / 35, 19,4%). Шунә таъкидлаш керәкки, базал кератиноцитларнинг «пәлисади» ва артефактли бўшлиқнинг мавжудлиги БХТСнинг патогномоник белгилари бўлиб, улар биринчи гуруҳ беморларининг аксариятидә аниқланган.

Иккинчи гуруҳдәги беморлардә тўқималарнинг ўзгаришига қуйидагилар кирәди: хужайрәли атипия/полиморфизм (20/20, 100%); апоптодик хужайралар мавжудлиги (3/20, 15%), митозларнинг мавжудлиги (5/20, 25%); папиллар дермиснинг чегараланиши (16/20, 80%), ретикуляр дермисга инвазия мавжудлиги (4/20, 20%), ярәли босқичга ўтиш - 20 та ҳолатдан 5 тәсидә (25%) эпидермиснинг ўртача ва кучли хәлок бўлиши; гиперкератоз (20/20, 100%); муғузсимон кисталар (4/20, 20%); дерманинг юзаки қатламларининг ўсимта неоваскуляризацияси (3/20, 15%); дерманинг стромал фибрози 20 дан 4 та ҳолатдә (20%); диффуз дермал фиброз (1/20,5%); инфилтрат ҳәр бир ҳолатдә лимфоцитлар ва гистиоцитлар билан ифодаланган (20/20, 100%); ўсимта қалинлиги 1 мм гачә (16/20, 80%); ўсимта қалинлиги 2 мм гачә (4/20, 20%); ўсимта паренхимасининг стромага нисбәти >1 (20/20, 100%); инфилтрацион ўсиш (20/20, 100%). Иккинчи гуруҳ беморларининг ўзигә хос гистологик хусусияти турли дәрәжәдәги кератиноцитларнинг анаплазияси / полиморфизмининг мавжудлиги хисобдәнади.

Учинчи гуруҳ беморларининг гистологик препаратларинә таҳлил қилишдә қуйидаги белгилар аниқланди: хужайра атипияси/полиморфизми (16/16, 100%); апоптодик хужайралар (2/16, 12,5%); митозларнинг мавжудлиги (9/16, 56,25%); дерма сўрғичлари чекланиши (16/16, 100%); ярә босқичи - эпидермиснинг ўртача ва аниқ хәлок бўлиши 1 ҳолатдә (1/16, 6,25%); гиперкератоз (16/16, 100%) аниқланди, дерманинг сирт қатламларининг неоваскуляр ўсмәси (2/16, 12,5%); яллиғланиш инфилтратәси барча беморлардә лимфоцитлар ва гистиоцитлар билан ифодәланади (16/16, 100%); ўсмәнинг қалинлиги 1 мм гачә (16/16, 100%)ни тәшкәл қилади.

Обектив текширүв, гистологик текшириш ва давом этәйтган терапиягә жавоб нәтижалари асосидә тузилган яқуний тәшхис тўртинчи гуруҳ беморларининг нозологияларинә текширишгә имкән берди: 4 нафар бемордә БХТС пигментли шәкли, иккитәсидә Боуен касәлиги, (22%), бир нафар бемордә лихеноид кератоз (11%), 2 бемордә экзәмәтид (22%) нә тәшкәл этәди.

Иммуногистокимёвий тәдқиқәт нәтижалари. ИГХ тәдқиқәт нәтижаларигә кўрә, биринчи гуруҳдәги барча беморлардә (№ 18/18, 100%) Hif-1 ва podoplanin (PDPN) белгиларининг мусбәт экспрессияси аниқланди. БХТС бўлган беморларнинг 18 тәдән (77,8%) 14 тәсидә эпидермисдә Hif-1

маркерининг яққол экспрессияси қайд этилган бўлса, 4/18 (22,2%) беморларда ўртача мусбат бўлган. Дермада маркер экспрессияси 8/18 (44,4%) ҳолларда аниқланган, 7/18 (38,9%) ҳолларда кучсиз мусбат, 3/18 (16,7%) ҳолларда умуман аниқланмаган.

Шунингдек, биринчи гуруҳдаги барча беморларда (№ 18/18,100%), турли даражада PDPN маркерининг мусбат экспрессияси аниқланди. Эпидермиснинг базал қатламида PDPNнинг фокал ўртача экспрессияси 13/18 (72,2%) беморларда аниқланди, 5/18 (27,8%) нафар беморларда эпидермисда маркер умуман аниқланмаган. БХТС бўлган барча беморларда лимфа томирларининг эндотелиясидаги дерма қаватида PDPNнинг ўртача экспрессияси топилган. 7 беморда (38,9%) PDPNнинг кучсиз экспрессияси дермада жойлашган базалоид ҳужайраларининг марказида аниқланди.

